O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
XALQ DEPUTATLARI
BULUNGUR TUMAN
KENGASHI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
БУЛУНҒУР ТУМАН
КЕНГАШИ

ҚАРОРИ

2020 йил 31 октябр № 103/17

Самарқанд вилояти Булунғур туманининг маъмурий ҳудудий бирликлар чегарасини белгилаш ҳақида тайёрланган далолатномаларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги "Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 299-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида "Ўздаверлойиҳа" ДИЛ институти "Самвилерлойиҳа" бўлинмаси томонидан "Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан Булунғур туманининг чегараларини белгилаш бўйича бажарилган ишларнинг якуний натижаларини кўриб чиқиш юзасидан тузилган туман комиссиясининг 2020 йил "30" октябрдаги йиғилиш баёни қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

Булунғур туманининг маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш бўйича бажарилган ишларнинг якуний натижаларини кўриб чиқиш юзасидан тузилган туман комиссиясининг 2020 йил "30" октябрдаги йиғилиш баёни қарори тўғрисида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Нарматовнинг маърузаси ўқиб эшитилиб, кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама этиб, Халқ депутатлари Булунғур тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги "Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 299-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида "Ўздаверлойиҳа" ДИЛ институти "Самвилерлойиҳа" бўлинмаси томонидан "Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан Булунғур туманининг чегараларини белгилаш бўйича бажарилган ишларнинг якуний натижаларини кўриб чиқиш юзасидан тузилган туман комиссиясининг 2020 йил "30" октябрдаги йиғилиш баёни қарори тасдиқлансин.

2. Булунғур туманининг маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш (ёки тақсимоти) тўғрисидаги маълумот иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашидан сўралсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари ҳамда туман ҳокимининг қишлоқ хўжалик масалаларидаги ўринбосари У.Алиев зиммасига юклатилсин.

Тумани Кенгаши раиси **Б.Бахрамов**

Ҳалқ депутатлари Булунғур тумани Кенгашининг 2020 йил "31" октябрдаги 103/17 сонли қарорига ИЛОВА

Булунғур тумани чегараларини белгилаш (ёки тақсимоти) тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Туманнинг номи	Хонодонлар сони	Ахоли сони	Чегара узунлиги (*метр*)	Ер майдони (*гектар*)
1	Булунғур тумани	35466,0	186400,0	201291,0	76921,33
	Жами:	**35466,0**	**186400,0**	**201291,0**	**76921,33**